





АБДУЛЛА  
ҚОДИРИЙНИНГ  
90 ЙИЛЛИГИ

# НАСРИМИЗ КАРВОНБОШИ СИ

\_\_\_\_\_

Камчибек КЕНЖА

## ШУКРОНА

Авалло ёлчидим туғилган ойдан:  
Ез этаги—эл тўқ,ер тўқ,  
ўзан тўқ.Беҳудуд ёлчидим кўз очган жойдан:  
Ўзбекистондай бут,  
Сахий чаман йўқ.Асли ёлчигандим таваллуд йилдан:  
Ўқлар тиниб,  
Олам олмақдайди тин.  
Асли ёлчигандим асри қобилдан:  
Юртим,

халқим хийла тутганди қаддин.

Болалигим кечди бедард ва муқим,  
Нон излаб кезмадим сарсон, дарбадар.  
Давр-даврон чашмидан шимган ёлчигим  
Устама хизматга қолган шай аскар.Елчидим:  
Илк сабоқ олган мактабим  
Капитал фощиси—Маркс номинда.  
Беш йил мағз қақдим  
Ҳам арқаландим  
Доҳий отидаги дорилфунунда.  
Елчидим касб-ҳавас,  
Устоз-салафдан:  
Навоий, Бобурдан то Усмон Носир;  
Пушкиндан то Блок—махзан-шарафдан  
Оламга жар солсам,  
Туғ тиксам арзир.Дўстлардан ёлчидим:  
Бирликдаги  
Ришамиз чийрилиб бормоқда бора.  
Жон дўстлар ҳамиша ҳаёт тиргаги,  
Тиргасиз устунинг — умринг чилпора.Зеро, қардошлардан ёлчиган халқим,  
Меҳмондўст ёрлиғин қозongan азал.

Турсун ИБРОҲИМОВ

## АНҲОР БЎЙИДА

Анҳор ёқасида тин олдим ногоҳ,  
Еллардек юлқинар турфа хаёллар:  
Унинг этагидан изларми паноҳ,  
Паноҳ излагандек букчайган толлар.Илдизи ювилар, битган тоқати,  
Қанийди бу анҳор ўзини тийса!  
Дала, уватларда қуёшнинг тафти,  
Гўдак кинригдай қўкламиш майса.Тўлқинлар айтмоқда мастона қўшиқ,  
Ғирчилар айланар мойсиз чархпалак.  
Жимжима камалар—мисоли қийқ,  
Бўйдоқдай кўз тикар осмони фалак.Ҳайқириб, кўприб оқиб борар сув,  
Оқмоқда, во, ажаб... депинар дилим:  
Пақирлар — тақдирлар, ажаб,  
Бири тўла бўлса, бириси ярим.

УЧҚУН

## ҲАЁТ ҚЎНҒИРОҒИ

Сахро, чўлни босиб келади карвон,  
Сафари мушкулдир, манзили йироқ.  
Гўёки ер билан туташдир осмон,  
Сукунат бағрини тилар қўнғироқ.Гоҳ гулшан, гоҳ дарё мисоли сароб,  
Йироқдан кўриниб, оқади қучоқ.  
«Одамлар, мудраманг, элитмасин хоб»,  
Дегандек янграйди чўлда қўнғироқ.Қақраган лабларда бир сўз ҳукмрон,  
Зорланиб бир қултум сув дейди бу чоғ.  
Бардошли бўлишга қақириб ҳаёмон,  
Юрак зарби каби янграр қўнғироқ.Ҳа, ана кўринди оппоқ чўққилар,  
Ҳа, энди манзил ҳам эмасдир узоқ.

Саодат ОЛИМОВА

## НЕГА МЕНИНГ ЮРАГИМ...

Нега менинг юрагим бўм-бўш,  
Унинг шодлиқлари қайга йўқолди?  
Кўкда парвоз қилаётган мағрур қуш  
Шиндэтлари бугун ақилми олди.  
Бу қандайли бастхки қўчар самони.  
Чўққиларни кўзга илмас сира ҳам.  
Ширин кўринмайин ҳаттоки жони  
Кўкка бўйлар, қанотлари мустақкам.  
Қора тупроқларнинг бағрида баҳорМовий бўшлиқларни кездингми, қушим.  
Ҳали битилмаган кўп қўшиғим бор.  
Кўзларимга боқиб, сездингми, қушим.  
Сен йироқсан,  
Ширин орсунан фақат.  
Сендай қуйламоқли бўларми насиб.  
Сенга етарманмигар этсам парвоз,  
Машаққатли оғир йўлларни босиб.

Катта йўл бошида...



Таниқли адиб ва моҳир таржимон Мир-закалон Исмоилий яқинда редакциямизга таъриф буюрди. У албатта қуруқ қўл билан келган йўқ. Янги қиссадан парча олиб келди. Адиб асаридан бир бобни лутфан тақдим эта туриб, бундай деди:

— Янги қиссани «Ўзингдан кўр» деб атадим. Бунинг босиб бор. Ҳар ким экинни ўради, деган нақл бор халқимизда. Бу қиссам «Ўзингдан кўр» деган асаримнинг мантқиқий давоми бўлиб, унда ёмон кўчага кириб қолган ўсимнинг маънавий дунёси тадриж эътилади. Қисса тўлалигича «Шарқ юлдузи» журналининг бешинчи китобида эълон қилинмоқда.

«Ўзингдан кўр» асарим ёшларимизнинг маънавий етук бўлиб камол топишга озгина бўлса-да, ҳисса қўша ўзимни бахтиёр, деб билардим.

Мен билган нарсамни оқизмай-тоқизмай айтиб бердим. Валихонни тағига босиб олиб, калласини асфальтга урётганини кўриб қолди, калласини ажратиб ташганини айтганимда Тўғон бирдан жўббушга келди.

— Йўқ, ёлгон айтмапти! Уни мен эмас, ўзи босган. Калласини асфальтга урган ҳам шунинг ўзи! Ҳа, шу тўхматчининг ўзи, энди эсинга тушди. Демак Собировни ўлдирган ҳам шу, мен эмас!

Судья унинг гапига ишонмади шекилли, эъсан қотиб:

— Шу гапларинг ростми?—деб сўради. Кейин таъкидлаб: — Ёлгон йўқми?—деб ҳам қўйди.

Тўғон алланимга деб олт инди. Судья «Вой-нодон-ей!» деяётгандек қилиб Тўғонга тикилди.

— Судланувчи Тўғон Маткаримов, шу даъвоининг тўғрими-нотўғрими эканини аниқлаш учун гувоҳ қақиршишимизга тўғри келиб қолди. Гувоҳ қақираверайликми ё ўзингиз тўғриси айтасизми?

— Менга деса ўнта гувоҳ қақирмайсизми! — деб Тўғон жергиб ташлади.

Судья боғи кекса қотибга буюрди.

— Сабохон Норматовани тақлиф қилсангиз.

Зум ўтмай, қадди-қомаги келишган ёш жувон кирди.

— Гувоҳ Сабохон Норматов, сиз жабрланувчининг кими бўласиз?

Кирган гувоҳнинг иккала кўзи жикқа ёш эди. У йиллаб туриб:

— Мен мана шу ярамаслар ўлдирган бир гуноҳсининг тул қолган қаллиғи бўламан,—деди.

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ

## ЎЗИНГДАН КЎР

ҚИССАДАН ПАРЧА

Бир маҳал ташқарининг эшиги очилди-ю, ичкарига оламжон одам ёпирилиб кириб келди. Мен ярк этиб ўша томонга қарадим. Сиқилишиб-тиқилишиб кириб келатганлар орасида бечора ойим ҳам бор эди. Ўзи тўпалон ичидан-ю, жавдирган кўзлари биз ўтирган бурчада. Ох, бечора онам-ей! Жабру жафо чекиш учунгина мени туққан экансиз-да! Сизин йиллатиб, доғу ҳасрат-да куйдиргунча бўвақлигинида ўлиб кета қолсам бўлмас эканми-я! Ох, онам, онам бечора!

Онам мендан кўзларини узмай, юм-юм йиллатиб! Адам эса ойимнинг ёнида, тор жойда қисилиб, менга тикилиб турибди. Адамнинг мунг аралаш газили кўзларида ўпка тўлиқ бир нафас бор эди. Бу норози кўзга ўзоқ қараб туролмадим. Ҳадемай, ичкаридан бир қўлида папке билан бир кекса одам чиқди-да, залга қараб қичқирди:

— Туринглар, суд келяпти!

Ҳамма — биз айбдорлар ҳам, залдаги бошқа одамлар ҳам — ўриндан турди. Ичкаридан уч киши чиқиб, тўрдаги курсиларга ўтирди. Буларнинг бири — ўртадаги баланд стулда ўтирган судья, икки ёнида ўтирганилар эса суд маслаҳатчилари. Судья ўрта ёшлардаги келишган қиёфали аёл экан. Ёнидагилар эса эркак кишилар.

Судья ўриндан туриб, залга бир кўз югуртириб чиққандан кейин қўлидаги қорозга қараб бундай деди:

— Грейджанлар, Тўғон Маткаримов, Тўла Расулев, Тўхтасин Иброҳимов, Турсунбой Жалоловлар иборат бир гурупа ёш қонлибуларлар устидан бўладиган суд мажлисини очиб деб эълон қилмаган.

Судья шундай дегандан кейин суд жараёнида бўладиган ҳамма расмийатни ўрнига қўйди-да, бизга қараб:

— Сизларни биз суд қилсак қарши эмасмисизлар? — деб сўради.

Биз қарши эмаслигимизни айтдик. Шундан кейин судья биз томонга қараб:

— Тўғон Маткаримов!—деди қўли билан «Тўра» ишорасини қилиб

Тўғон ўриндан турди. Шундан кейин суд сўроғи бошланди.

— Тўғон Маткаримов, неча ёшдасиз?

— Ўн еттида.

— Нима иш қиласиз?

— Ўқийман.

— Ўрта мактабдами?

— Ҳа.

— Валихон Собировнинг ўлдирилгани тўғрисида нима биласиз?

Тўғоннинг дами ичига, калласи эса пастга тушиб кетди. Судья пича кутди. Тўғон бир нима демагандан кейин:

— Жиноят қилишни билган киши мард туриб жавоб беришни ҳам билишни керак! Ҳўп, саволимга тушунмадингиз шекилли, бошқароқ, яъни сиз тушунмадингиз қилиб сўрай бўлмас. Айтган-чи, Валихон Собировни қандай ўлдирдингиз?

Тўғон ерга қараганича бир нима деб мингирляди. Судья ўқимда шекилли:

— Очирқоқ гапиринг,—деди.

— Мен ўлдирганим йўқ.

— Ҳа-ҳа, сиз ўлдирганингиз йўқ, ким ўлдирди?

— Билмайман.

— Ким унга осилиб, ерга босиб, бошини асфальтга урди? Сиз эмасми?

Тўғон бир неча дақиқа ўзини йўқотиб, кўзларини пирпиратиб тургандан кейин ана ўлик товушда:

— Йиқитганим йўқ, ўзи йиқилиб тушди,—деди.

— Устидан босиб, калласини асфальтга дўқиллатиб ўрганингиз-чи?

— Бунисини билмайман. Қаттиқ маст эдим.

Тўғон шундай деб ерга қараб олди. Судья мени турғизди.

— Қани, сиз айтинг, нима бўлган?



ПРОЗА



Адиба НОСИРОВА,  
Тошкент Давлат Мада-  
ният институтининг катта ўқи-  
тувчиси

фарзандларини театрга бо-  
ришга, саябат нафосатдан  
бахраманд бўлишга ургасиз.  
Театрнинг бадий образли  
тиллари тушунишга, ғулад  
фараонд гузаллиги, инсоний-  
лиги, нафосат ҳақида кўпроқ  
ўйлайдиган бўлади. Театр  
санъатидан кенг баҳраманд  
кишининг бадий диди ўса-  
ди, инсоннинг ички ва ғоя-  
вий дуйвсини чуқуროқ ан-  
глаб етadиган, ғоявий ва ин-  
тернaционал тушунчалари  
дард талабларига, марксча-  
ленинча таълимот талабла-  
рига жавоб берадиган бўла-  
ди. Шунинг учун ҳақ, уму-  
ман, сийсий ва бадий тар-  
бия, ҳусусан, интернационал  
тарбия жараёнида театр  
санъатидан унумли фойда-  
ланиш тадбирларини бел-  
лаш, бу муҳим ишга ингли,  
тартибли равишда ўтказиш  
ложим.

Адиба НОСИРОВА,  
Тошкент Давлат Маданият  
институтининг катта ўқи-  
тувчиси

театринин бадийи асарлари тилини тушуниши, бундай фарзанд гузаллик, инсонийлик, нафосат ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлади. Театр санъатидан кенг баҳраманд кишининг бадийи диди ўсади, инсоннинг ички ва ғоявий дуйсими чўқурироқ англаб етадиган, ғойий ва интернационал тушунчалари давр талабларига, марҳа- лалинча таълимот талаб- ларига жавоб берадиган бў- лади. Шунинг учун ҳам, уму- ман, сийсий ва бадийи тар-бия, хусусан, интернационал тарбия жараёнида театр санъатидан унумли фойда- ланиш, таъдирларинг бел- лаш, бу муҳим ишга оинги, тартибли даражада ўтказиш лозим.

Адиба НОСИРОВА,  
Тошкент Давлат Мада- ният институтининг катта ўқи- тувчиси



